

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича СИЁСАТИ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Сиёсат “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) ва унинг миңтақавий темир йўл узеллари, бошқармалари, марказлари, дирекциялари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва таркибий бўлинмалари (кейинги ўринларда – тизим ташкилотлари)да ҳалоллик сиёсатини таъминлаш яъни, ходимлар ва умуман Жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш мақсадида юксак хулқ-атвор стандартларига мувофиқлик, шунингдек, лавозим (хизмат) мажбуриятларини бажариш чоғида Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймасликка доир позициясини ифодалайди.

2. Мазкур Сиёсат Жамият ва унинг тизим ташкилотларида коррупцияга қарши кураш тизимиning асосий тамойиллари ва таркибий қисмларини, шунингдек, коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгиловчи ва қўлланилиши мумкин бўлган амалдаги коррупцияга қарши ҳалқаро ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги нормаларига Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари томонидан тўлиқ риоя этилишини таъминлашга қаратилган ички ҳужжатидир.

3. Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнданги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли, 2021 йил 16 июнданги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли, 2021 йил 6 июлданги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва Жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сонли, 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 марта “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сон қарори, коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ҳалқаро ташкилотлар тавсиялари ва илгор дунё тажрибаси, жумладан ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши кураш менежменти тизими – Талаблар ва уларни қўллашга доир тавсиялар” ҳалқаро стандарти талаблари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

4. Жамият Сиёсатни ўз фаолият йўналишидан келиб чиқиб қабул қиласди ва ўзига хос ҳамда қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар, шунингдек, мавжуд ресурслар асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз механизмларини ишлаб чиқади ва жорий этади.

5. Қуйидагилар Жамият ва унинг тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсади ҳисобланади:

Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар талабларини тушуниш ва уларга риоя этилиши;

Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва коррупцияга барҳам бериш;

Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг барча фаолият соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, Жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари фаолиятининг шаффоғлиги ва хулқ-атвор меъёрларига мувофиқлигини таъминлаш;

коррупциявий ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш;

Жамият ва унинг тизим ташкилотларида мавжуд коррупцияга барҳам бериш.

6. Мазкур Сиёсат талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажараётган функциясидан қатъий назар Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг барча ходимлари учун бирдек амал қиласди.

7. Жамият ва унинг тизим ташкилотларига ишга кираётган ҳар қандай шахс мазкур Сиёсат билан имзо чеккан ҳолда танишишлари, унинг талабларига риоя қилиши лозим.

8. Мазкур Сиёсатнинг мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади:

алоқадор шахслар - Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик Жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияяг эга эканлиги бундан мустасно;

давлат органлари ва муассасалари – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари (жумладан, вазирликлар, хизматлар, агентлик, марказлар ва бошқа идоралар) ва уларнинг таркибий бўлинмалари, шунингдек, давлат томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган юридик шахслар;

иш фаолияти юзасидан меҳмондўстлик белгилари – учинчи шахсларнинг ҳамкорлик ўрнатиш ва/ёки уни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган, Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимларининг содиқлигини

оширишга қаратилган, Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари манфаатлари йўлидаги ҳаражатлари, жумладан учинчи шахсларнинг овқатланиши, иш фаолияти юзасидан тушликлар ташкил этилиши билан боғлик ҳаражатлари, транспорт ҳаражатлари, яшаш, қўнгилочар тадбирлар, жумладан саёҳат дастурлари билан боғлик ҳаражатлар ва ҳ.к.;

контрагент – Жамият ва унинг тизим ташкилотлари билан шартномавий муносабатларга киришган (мехнат муносабатлари бундан мустасно) ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий хавф-хатар – Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан Жамият ва унинг тизим ташкилотлари номидан ёки унинг манфаатлари йўлида коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш хавфи;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупциявий ҳуқуқбузарлик – содир этилганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жавобгарлик белгилаб қўйилган коррупция аломатларига эга хатти-ҳаракат;

коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси – Жамиятнинг Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси;

коррупцияга қарши курашиш тизими – коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва хулқатвор жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

mansabdor shahs – доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъий назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи,

ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс.

манфаатлар тўқнашуви – Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, Жамиятнинг ёки давлатнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар – белгиланган тартиб-таомиллар ёки ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ стандарт тартиблар амалга оширилишини таъминлаш ёки тезлаштириш мақсадида тегишли қонунчилик ва норматив меъёрлар ҳамда қоидаларда кўзда тутилмаган ноқонуний равишда тақдим этиладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкий ҳукуқлар, хизматлар ҳамда бошқа моддий ва номоддий фойда;

уруг-аймоқчилик – Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимининг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва нохолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги;

хайрия (хайрия ёрдами) – юридик ва жисмоний шахслар (хайрия қилувчилар)нинг Жамият ва унинг тизим ташкилотлари учун бепул ёки имтиёзлар асосида моддий ва/ёки номоддий бойликлар, хусусан, пул маблағлари шаклидаги бойликларни топшириш, улар учун маълум ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва хайрия мақсадларида бошқа қўллаб-куватлашларни тақдим этишда намоён бўладиган ихтиёрий беғараз ёрдами;

халқаро ташкилот – давлатлар, ҳукуматлар ёки бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ташкилий шакли ва ваколатларидан қатъий назар ташкил этилган ҳар қандай халқаро ташкилот, жумладан, иқтисодий интеграция бўйича минтақавий ташкилотлар.

ходим – Жамият ёки унинг тизим ташкилотлари билан меҳнат муносабатларига киришган жисмоний шахс;

ҳомийлик (ҳомийлик ёрдами) – юридик ва жисмоний шахслар (ҳомийлар) томонидан Жамият ёки унинг тизим ташкилотларига улар учун ишлар бажариб бериш, хизматлар кўрсатиш ва ҳайрия мақсадларида бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатиш, мол-мулк, жумладан пул маблағлари тақдим этиш билан ифодаланадиган ёрдами ҳисобланиб, уларнинг натижасида Жамият ёки унинг тизим ташкилотларида ҳомий олдида ўзаро мажбуриятлар юзага келади;

яқин қариндошлар – бир-бирига қариндошлик ёки яқин алоқаси бор шахслар, яъни ота-она, туғишиган ҳамда тутинган ака-укалар ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар (жумладан асраб олинган фарзандлар), бувалар, бувилар, набиралар, шунингдек, эр (хотин)нинг ота-онаси, туғишиган ва тутинган ака-укалари ва опа-сингиллари.

II. Коррупцияга қарши курашишнинг муҳим тамойиллари

9. Жамият ва унинг тизим ташкилотларида коррупцияга қарши кураш тизими қўйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади ва фаолият юритади:

қонунийлик - Жамият ва унинг тизим ташкилотларидағи коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ коррупцияга қарши курашиш бўйича илғор дунё тажрибаси, шунингдек, Жамият ички хужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади;

коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) – Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва қўринишларига муросасиз (тоқатсиз) муносабатда бўлади. Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимларига коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш қатъиян тақиқланади;

очиқлик ва шаффоффлик – Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари ва контрагентлари, кенг жамоатчиликни Жамият ва унинг тизим ташкилотларида қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилиш (махфийлик ва хизмат сири тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда);

коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг превентив хусусиятга эга бўлиши, тизимлилиги ва яхлитлиги - коррупциянинг олдини олиш, коррупциявий ҳаракатларнинг содир этилишига хизмат қилувчи сабаб ва шарт-шароитлар ҳамда коррупциявий хатарларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг устуворлиги. Коррупцияга қарши жорий этилаётган чора-тадбирлар ва тартибтаомиллар аниқланган хавф-хатарлар даражасига мос келиши ва Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг барча функциялари ва йўналишларини камраб олган коррупцияга қарши курашиш тизимига бирлаштирилиши;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги - коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари ўзининг мавқеи ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади;

илмий-техник тараққиёт ютуқлари ва ахборот технологияларидан фойдаланиш – Жамият коррупцияга қарши кураш тизимини шакллантиришда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот-коммуникация тизимларидан кенг фойдаланишга интилади;

тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш - Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг ҳар бир ходими коррупциявий ҳаракат содир этилганлигига доир ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички хужжатларида кўзда тутилган чора-тадбирларни қабул қилиш учун Жамият ва унинг тизим ташкилотлари раҳбариятига ҳеч қандай тўсиқсиз мурожаат қилиши мумкин;

фуқаролик Жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик – Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ўзига юклатилган функцияларни бажаришда уларнинг фаолияти устидан мустақил ва холис назоратни амалга ошириш мақсадида фуқаролик Жамияти вакилларини жалб қиласи;

мониторинг, таҳлил ва баҳолаш – Жамият даврий асосда коррупцияга қарши курашиш тизими фаолияти мониторинги ва таҳлилини амалга оширади, шунингдек, унинг самарадорлик ва натижадорлик кўрсаткичларини баҳолайди.

коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равища такомиллаштириш – коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш мақсадида Жамият ва унинг тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тўхтовсиз равища ошириш чоралари кўрилади.

III. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари

1-§. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

10. Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари ўз лавозим ва хизмат мажбуриятларини ҳалол ва вижданан бажариши, ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ҳамда Жамият ва унинг тизим ташкилотлари тасарруфидаги мол-мулжалардан шахсий манфаатдорлик йўлида фойдаланмаслиги ва манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятлардан сақланиши лозим.

11. Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари ишга қабул қилинаётганда, лавозими кўтарилаётганда ва ротация қилинаётганда ҳар йили ва тегишли вазиятлар/шарт-шароитлар юзага келишига қараб манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигига доир ахборотни очиқлаши лозим.

12. Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ва уни тартибга солишга доир ахборотни очиқлаш жараёни Жамият ва унинг тизим ташкилотларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби тўғрисида ички идоравий ҳужжатда белгилаб қўйилади.

13. Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш учун самарали назорат тартиб-таомиллари Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимларининг учинчи шахслар билан ўзаро алоқаси рўй берадиган барча функцияларга жорий этилиши лозим (масалан, танлов савдоларини ташкил қилиш, харидларни амалга ошириш ва х.к.).

2-§. Иш юзасидан совғалар ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш

14. Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариши доирасида жисмоний ва юридик шахслардан совғалар, меҳмондўстлик белгилари, жумладан қарз, кафолатлар, кафиллик, мукофот, моддий ёрдам, нақд пулсиз ва нақд пул маблағлари ёки уларнинг

эквивалентлари, қимматбаҳо қофозлар, криптовалюта, бошқа моддий қадриятлар ёки хизматлар кўринишидаги рағбат воситаларини олиш тақиқланади.

Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) бараваридан (барча солиқлар ва йифимларни ҳисобга олган ҳолда) кўп бўлмаган миқдорда совға олиниши мумкин.

Мезбон томоннинг рамзлари ва (ёки) логотипи туширилган эсдалик совғалар қиймати учун миқдор белгиланмайди ва бундай совғалар баҳоланмайди. Бундай совғаларни Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари ўз хоҳишига кўра тасарруф этади.

Тақдим этилган гуллар, озиқ-овқатлар (кондитер маҳсулотлари ва бошқалар), ташкилотларнинг канцелярия тўпламлари (календарлар, буклетлар, ручка, блокнотлар) совға деб қабул қилинмайди ва расмийлаштирилмайди.

Ходимнинг хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан совғани қабул қилиши натижасида манфаатлар тўқнашуви ёки коррупциявий хавф-хатарларнинг келиб чиқишига олиб келмаслиги, хусусан, ходим фаолиятида холис қабул қилишига таъсир кўрсатадиган мажбуриятни юзага келтирмаслиги лозим.

Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан ўзларига тақдим этилган совға тўғрисида уч иш куни ичида Жамият ва унинг тизим ташкилотидаги коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тузилмасига ҳисбот тақдим этади.

Бунда, давлат фуқаролик хизматчиси тақдим этилган совғанинг миқдорини аниқлашга асос бўладиган хужжатларни (агар мавжуд бўлса нақд пул квитанцияси, савдо квитанцияси, дипломатик совғанинг олинишини тасдиқловчи бошқа хужжатлар) илова қилинади.

Топширилган совға тўғрисидаги ҳисбот ва совғанинг миқдорини аниқлашга ёрдам берадиган маълумотлар асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тузилмаси томонидан совғанинг қиймати аниқланади.

Совғанинг баҳоси ушбу Сиёсатда белгиланган миқдордан зиёд бўлган совғалар тақдири қўйидаги тартибда ҳал этилади:

совға тақдим этилган ходим томонидан совғанинг рухсат этилган қийматидан зиёд миқдори учун Жамият ёки унинг тизим ташкилотига тўлов амалга оширилади ва сотиб олинади. Совғани сотишдан тушган маблағ ташкилотнинг даромадлари ҳисобига ўтказилади;

агар ходим совғанинг рухсат этилган қийматидан зиёд миқдори учун тўловни амалга оширишни ҳамда сотиб олишни рад этса, совға расмийлаштирилиб, ташкилотнинг балансига ўтказилади.

Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимларига хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан тақдим этилган совғаларни қабул қилишнинг қонунийлиги тўғрисида ҳар қандай шубҳалар

пайдо бўлганда, ушбу ҳолат тўғрисида бевосита ўзининг юқори турувчи раҳбариютини ёки коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тузилмасини хабардор қилиши шарт.

15. Жамият ва унинг тизим ташкилотларида ички коррупциянинг олдини олиш мақсадида ходимлар ўртасида хизмат мажбуриятларини қабул қилиш билан боғлиқ бўлмаган ва ходим шахси билан боғлиқ деб эътироф этилган совғаларни беришда қуйидагиларга риоя қилинади:

совға олувчи учун манфаатлар тўқнашуви вазиятини келтириб чиқармаслиги ва совға берувчи олдида бирор-бир мажбуриятларни юзага келтирмаслиги лозим;

совға очик-ойдин берилади, совға берилаётгани яширилмайди;

совғани фақат умумэътироф этилган байрамлар (таваллуд айёми, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва ҳ.к) муносабати билан беришга рухсат этилади;

совғалар Жамият ёки унинг тизим ташкилотларининг камидаги учта ходими иштирокида берилishi лозим;

совғани бериш чоғида совға бериш учун сабаб бўлган воқеа-ходиса аниқ баён этилади;

совғанинг умумий қиймати (барча солиқ ва йигимлар билан бирга) базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баробаридан ошмаслиги лозим;

бир ходими иккинчи ходимга совға олиш учун сарфлайдиган сумма миқдори ҳар бир ҳолатда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 (бир) баробаридан ошмаслиги лозим.

16. Шубҳа (гумон)лардан ҳоли бўлиш учун ҳар қандай байрамлар (жумладан, туғилган кун, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва ҳ.к) муносабати билан мазкур Сиёсатнинг 14 ва 15-бандларида келтириб ўтилмаган бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, ҳамкорлар ва контрагентлар, бошқа жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган мазкур Сиёсатнинг 14-бандида санаб ўтилган совғалар ва моддий бойликлар олиш тақиқланади.

17. Жамият ёки унинг тизим ташкилоти номидан халқаро конференциялар, симпозиумлар ва бошқа иш юзасидан (хизмат) учрашувларида совғалар бериш тегишли корхона раҳбари буйруғига мувофиқ амалга оширилади.

18. Совға бериш, уни қабул қилишнинг қонунийлигига шубҳа туғилган тақдирда ходим Жамият ёки унинг тизим ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмасига маслаҳат сўраб мурожаат қилиши лозим.

3-§. Жамият ходимларининг иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши

19. Ходимларининг халқаро ва бошқа ташкилотлар таклифига кўра иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирлар (кўргазмалар, семинарлар, конференциялар ва ҳ.к.)да иштирок этишига қуйидаги шартларга риоя қилган тақдирда рухсат этилади:

тадбир Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мос келса;

тадбир Жамият ёки таклиф этган томоннинг қонуний манфаатларига хизмат қилса;

тадбир Жамият ёки унинг тизим ташкилотлари ходимлари томонидан у ёки бу қарорлар қабул қилинишига таъсир қиласлиги, бирор-бир ноқонуний афзалликларни қўлга киритишни (масалан, буюртмачиларга тадбирни ўтказаётган лойиҳа-тадқиқот ташкилотига мурожаат қилишни тавсия қилиш) кўзлаган яширин ноқонуний мукофотлаш мақсади бўлмаслиги лозим;

тадбир бундай тадбирда иштирок этишга доир маълумотлар ошкор қилинган тақдирда Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ҳамда таклифни қабул қилувчи ёки таклиф этаётган томон мавқеи учун хатар туғдирмаслиги лозим;

тадбир умумэътироф этилган илмий ва ишбилармонлик амалиётига мос келиши лозим;

тадбир моҳияти ва қийматига кўра ўринли бўлиши, ҳаддан зиёд ҳашаматли, қиммат, ғайриодатий бўлмаслиги ва тез-тез тақрорланиб турмаслиги лозим.

20. Агар ишбилармонлик тадбирлари (семинар, симпозиум, давра сұхбатлари ва ҳ.к.) ташкилотчиси Жамият ёки унинг тизим ташкилотининг ўзи бўлса, у ҳолда бундай ишбилармонлик тадбири ушбу Сиёсатда қайд этилган талабларга мос келиши лозим.

4-§. Кадрлар билан боғлиқ жараённи тартибга солиш (ходимларни танлаш, лавозимини ошириш, моддий рағбатлантириш)

21. Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимларини танлаш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини баҳолаш, жумладан мукофот, устамалар ва рағбатлантиришнинг бошқа турларини амалга ошириш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, teng ҳуқуқли ва холис ҳисобланиб, мазкур Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мос келиши лозим.

22. Номзодларни танлаш ва тайинлаш жараёни номзодларни Жамият ва унинг тизим ташкилотларига қабул қилиш учун текшириш бўйича қўлланма ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига, манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартибига мувофиқ комплекс равища текшириш билан бирга амалга оширилади.

23. Жамият ёки унинг тизим ташкилотларида ходимларга оид масалаларда қарор қабул қилувчи ходимларнинг лавозими оширилганда, лавозимга тайинланганда, кадрлар заҳирасига қўшилганда ва ҳ.к.ларда номзод (ходим)ларга ҳар қандай асоссиз имтиёзлар тақдим этилиши тақиқланади.

24. Бўш лавозимларга саралаб олиш эгалланаётган лавозимга қўйиладиган талабларга мувофиқ танлов асосида ёки бошқа усул ёрдамида амалга оширилиши лозим. Бунда номзоднинг малакаси, касбий ва илмий ютуқларига асосий эътибор қаратилади.

25. Жамиятда ходимлар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилиши ва ходимлар унинг асосида рағбатлантирилиши лозим.

Мазкур кўрсаткичлар холис, шаффоф ва ходимлар танишиб чиқиши учун очик бўлиши лозим.

5-§. Жамият ва унинг ташкилий тузилмалари фаолиятини ўрганиш ва мониторинг ўтказиш

26. Турли ўрганишлар, мониторинг ўтказишида (кейинги ўринларда – ўрганиш обьектларида) Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари:

манфаатлар тўқнашуви юзага келишига йўл қўймаслиги;

ўрганиш обьектларида ўрганиш ёки мониторингни якка ўзи амалга оширмаслиги;

ўрганиш обьектларига ташриф буорувчилар ёки уларнинг вакиллари ўрганиш обьекти ходимлари билан ёлғиз қолмаслиги;

йўл қўйилиши мумкин бўлган қоидабузарликларни сохталаштириш мақсадида ўрганиш ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларини нотўғри талқин қилмаслиги, ўрганиш ўтказилаётган обьект ходимларини аниқланган фактларни хуқуқни муҳофаза қилиш ёки бошқа давлат органларига топшириш билан қўрқитмаслиги;

ўрганиш обьекти ходимларига таҳдид қилмаслиги;

хужжатларни сўраб олиш ва ўрганиш, мониторинг предметига кирмайдиган масалалар билан қизиқмаслиги лозим;

ўрганиш, мониторинг давомида аниқланган ҳар бир қоидабузарликнинг қонуний ва профессионал баҳоланишини таъминлаши;

қоидабузарликларнинг видео ёки фото қайдини амалга ошириши (ўрни келганда), Жамият томонидан фойдаланиладиган ахборот тизимларига қоидабузарликларга оид маълумотларни киритиши;

агар ўрганиш обьекти вакиллари Жамият ёки унинг тизим ташкилоти ходимига аниқланган қоидабузарликларни яшириш мақсадида пора ёки ҳар қандай моддий бойликлар ёки хизматлар тақдим этаётган бўлса, бу ҳақида ўрганиш бўйича ишчи гурӯҳ раҳбарига ва Жамият ва/ёки унинг тизим ташкилотларидағи Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига зудлик билан хабар бериши;

ўрганиш обьекти вакилларига Жамият ходимларининг хулқ-автор тамойилларига мувофиқ холис муносабатда бўлиши шарт.

27. Жамият томонидан ўтказилган ўрганишлар ва мониторинг натижалари юзасидан келиб тушган эътиrozларни кўриб чиқиш учун комиссия ташкил этилади.

6-§. Ваколатли давлат органлари, контрагентлар ва учинчи шахслар билан шаффоф ва самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш

28. Жамият мазкур Сиёsat тамойиллари ва талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларига зид ҳар қандай тўловларни ёки

ҳаракатларни амалга ошириш учун етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа учинчи шахсларни жалб қилмайди.

29. Контрагентлар билан муносабатларда Жамият ва унинг тизим ташкилотлари қонунийлик ва шаффофлик тамойиллариiga амал қиласди.

30. Жамият ва унинг тизим ташкилотларида объектив мезонлардан фойдаланишга асосланган етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлашнинг ҳалол, очиқ ва шаффоф жараёни, шунингдек, сотиб олинаётган товар ва хизматлар қийматини белгилашнинг шаффоф тартиби жорий этилиб, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Жамиятнинг ички хужжатлари билан тартибга солинади.

31. Контрагентлар билан ўзаро ҳамкорликда Жамият ва унинг тизим ташкилотлари:

Жамиятда контрагентларни текшириш бўйича йўриқнома ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблариiga мувофиқ потенциал контрагентнинг ишончлилиги, жумладан у ўтмишда коррупциявий фаолиятга жалб қилинган ёки қилинмаганлиги, Жамият ёки унинг тизим ташкилотлари ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текширади;

потенциал контрагент, жумладан харид тартиб-таомиллари ғолибини у билан шартнома матнига маҳсус коррупцияга қарши шартларни қўшиш орқали ўзининг коррупцияга қарши тамойил ва талаблари ҳақида хабардор қиласди.

32. Ваколатли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда (масалан, лицензия бериш, ихтисослаштирилган кенгашларда иштирок этиш, турли хужжатлар, объектларни келишишда ва ҳ.к) Жамият ва унинг тизим ташкилотлари хужжатларни қўриб чиқишнинг шаффофлиги ва холислигини таъминлайди ҳамда зарур ҳолларда мазкур давлат органлари томонидан салбий ва бошқа хулосаларга келиш сабаблари хусусида қўшимча маълумотларни талаб қиласди.

7-§. Хайрия ва ҳомийлик фаолиятининг шаффоф ва самарали жараёнини таъминлаш

33. Жамият ва унинг тизим ташкилотлари қонунчилик билан белгиланган ҳолатларда хайрия ва ҳомийлик ёрдамини қабул қилиши мумкин. Бундай ёрдамни олишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки шартномада қўрсатилган мақсадларга самарали ва мақсадли йўналтирилишини таъминлаш, шунингдек, хайрия ва ҳомийлик фаолиятига доир ахборотни Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида очиқлаш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилади.

34. Жамият ва унинг тизим ташкилотлари томонидан қабул қилинаётган хайрия ёки ҳомийлик ёрдами яширин мукофот тарзида бўлмаслиги ва Жамиятнинг алоҳида ходимлари томонидан хайрия қилувчи ёки ҳомий, унинг яқин қариндошлари, уларга алоқадор шахслар, шунингдек, хайрия қилувчи ёки ҳомийда уларга нисбатан шахсий манфаатдорлиги бўлган шахслар фойдасига қарор қабул қилинишига таъсир қўрсатмаслиги лозим.

35. Жамият ва унинг тизим ташкилотлари томонидан хайрия ёки ҳомийлик ёрдамини олишда қуидаги талаблар бажарилиши лозим:

хайрия қилувчи ёки ҳомий билан албатта шартнома тузиш ва унда хайрия ёки ҳомийлик ёрдамини олиш ва ундан фойдаланиш мақсадлари, ёрдам шакллари, ёрдамнинг пул ифодасидаги суммаси, хайрия қилувчи ёки ҳомий олдида келиб тушган ёрдамдан мақсадли фойдаланиш тўғрисида ҳисоб бериш усули белгилаб қўйилиши лозим;

бундай шартномага коррупцияга қарши шартларни киритиш;

Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида олинган хайрия ёки ҳомийлик ёрдамига доир ахборотни жойлаштириш.

8-§ Ички хужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси

36. Ички хужжатларнинг ҳуқуқий экспертизасини ўтказишида Жамият ва унинг тизим ташкилотлари Юридик хизмати коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун имконият яратувчи коррупциявий омиллар мавжудлигини аниқлаш ва уларни ҳужжатлардан чиқариб ташлаш мақсадида экспертиза ўтказади.

9-§ Жамият фаолияти соҳасига янги технологияларни жорий этиш

37. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари ўз функциялари ва лавозим мажбуриятларини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади (агар имкони мавжуд бўлса).

38. Давлат харидлари доирасида танлов савдоларини ўтказишида Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари ахборот технологияларидан фойдаланади ва танлов савдолари иштирокчилари билан ўзаро алоқани электрон шаклда онлайн режимида бошқа электрон тизимлар билан интеграция қилиш имкониятини қўллаган ҳолда амалга оширади.

10-§ Жамиятдаги фаолиятни видеоқайд қилиш ва унинг трансляцияси

39. Жамият ва унинг тизим ташкилотлари биноларида ходимлар фаолиятини назорат қилиш мақсадида аудио ва видеоёзув камералари ўрнатилиб, улардаги ёзувлар Жамият ёки унинг тизим ташкилотларининг масъул ходимлари томонидан қўриб борилади.

40. Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг Интернет тармоғидаги расмий сайтларида коррупция хавф-хатари юқори бўлган айrim жараёнларнинг онлайн трансляцияси жойлаштирилади (хусусан, ходимлар билан сухбат ўтказиш, уларни тестдан ўтказиш, комиссиялар йиғилишлари ва ҳ.к.).

IV. Коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари

1-§ Коррупцияга қарши курашиш бўйича муҳим ички ҳужжатлар мавжудлиги

41. Жамият ва унинг тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш тизими асосини:

мазкур Сиёсат;

Жамият ходимларининг одоб-аҳлоқ кодекси;

Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби тўғрисидаги Низомда акс эттирилган тамойиллар ва талаблар ташкил этади.

42. Жамият ва унинг тизим ташкилотлари раҳбарлари ходимларга олий раҳбарлик намунасини кўрсатиши лозим.

43. Жамият ва унинг тизим ташкилотлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, таркибий тузилмалари раҳбарлари ўзига бўйсунувчилар, фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан муносабатларда ҳалол, одил ва мустақил хулқ-атвор намунаси бўлиши ва шу орқали уларда коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қиласди.

44. Жамият ва унинг тизим ташкилотлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, таркибий тузилмалари раҳбарлари Жамият ва унинг тизим ташкилотлари фаолиятининг хавф-хатар функциялари (йўналишлари)га коррупцияга қарши самарали чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни жорий этиш орқали коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини барпо этиш ва амалга оширишга нисбатан лидерликни намойиш қиласди.

2-§. Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш

45. Жамият ўз фаолиятига хос коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкилий тузилмалар функцияларининг хусусияти, Жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро муносабатлар, шунингдек, Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширади.

46. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бир йилда бир мартадан кам бўлмаган вақтда ўтказилади. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари Жамиятнинг раҳбари томонидан кўриб чиқилади. Аниқланган хавф-хатарларни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар Жамиятнинг коррупцияга қарши дастур ёки йўл хариталарида акс эттирилади.

3-§. Коррупцияга қарши курашиш учун масъул

47. Жамият ва унинг тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини шакллантириш Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари томонидан амалга оширилади.

48. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари бевосита тегишлилиги бўйича Жамият ёки унинг тизим ташкилоти раҳбарига бўйсунади.

49. Жамият ёки унинг тизим ташкилоти раҳбари Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасини коррупцияга қарши курашиш вазифаларини амалга ошириш учун етарли даражадаги мустакиллик ва зарур ресурслар билан таъминлайди.

50. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари қўйидаги асосий вазифаларни бажарди:

коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш;

коррупциявий хатарларни баҳолаш натижаларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва умумлаштириш;

коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича Жамиятнинг ички меъёрий хужжатлари, тартиб-таомиллари, услубий тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни такомиллаштириш;

ходимлар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқиш ва ўқитишни ташкил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича ходимларга маслаҳат бериш;

коррупцияга қарши чоралар ва тартиб-таомилларнинг бажарилишини назорат қилиш;

мавжуд коррупцияга қарши чоралар ва тартиб-таомилларнинг етарлилиги, мутаносиблиги ва долзарблигини баҳолаш, шунингдек, уларни такомиллаштириш чораларини кўриш;

Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Бошқаруви учун Жамият ва/ёки унинг тизим ташкилотларидағи коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисида мунтазам равишда ҳисботларни тузиш;

қонун хужжатларида ва Жамиятнинг ички қоидаларида белгиланган бошқа вазифаларни бажариш.

51. Жамият ва унинг тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашишни самарали ташкил этиш мақсадида Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларига қўйидаги ваколатлар берилади:

Жамият ва/ёки унинг тизим ташкилотлари бино-иншоатларига тўсқинликларсиз кириш ва текшириш ўtkазиш;

Жамият ва/ёки унинг тизим ташкилотларидағи маълумотлар базалари, дастурий таъминотлардаги маълумотлар билан эркин танишиш;

Жамият ва унинг тизим ташкилотларидан зарур маълумотлар, хужжатлар ҳамда бошқа материалларни сўраш ва олиш;

иш юритувида бўлган Жамият раҳбаријатининг топшириқлари, мурожаатлар, ишлар ва материаллар юзасидан Жамият ва/ёки унинг тизим ташкилотлари мансабдор шахсларини ва ходимларини чақириш ҳамда улардан тушунтиришлар олиш;

хизмат заруратга кўра Жамият ва/ёки унинг тизим ташкилотларида ўрнатилган видео кузатув камераларининг ёзувлари билан танишиш ҳамда улардан нусхалар олиш;

52. Жамиятнинг Персонални бошқариш ва кадрларни тайёрлаш бошқармаси ва тизим ташкилотларида ушбу вазифани бажариш вазифаси

юқлатилган тузилмалар Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормаларида кўзда тутилган тартиб ва ҳажмда ходимларнинг яқин қариндошлари ва уларга алоқадор шахсларга доир маълумотларнинг тизимли ва ўз вақтида йиғилиши, таҳлил қилиниши ва актуаллаштирилиши учун жавоб беради.

53. Жамият ва унинг ташкилий тузилмаларида алоҳида Одоб-аҳлоқ комиссиялари фаолият юритади.

54. Одоб-аҳлоқ комиссиялари ходимларнинг этик хулқ-атвор қоидалари билан белгиланган хулқ-атвор меъёрларига риоя қилиш масалаларини кўриб чиқади, шунингдек, Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни тартибга солиш жараёнида иштирок этади.

5-§ Жамиятнинг коррупцияга қарши сиёсати тўғрисида ходимлар ва учинчи шахсларнинг хабардорлигини таъминлаш

55. Жамият ва унинг тизим ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни қисқартириш ва Жамият хабардорлигини ошириш мақсадида мазкур Сиёсат ва амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларга оид асосий ахборотлар Жамиятнинг расмий веб-сайтларида жойлаштиради.

56. Жамият барча куч ва имкониятларини ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларга қўйидагилар орқали Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги нормалари, шунингдек, жорий этилган коррупцияга қарши тамойиллар, чора-тадбирлар ва талаблар тўғрисида хабар бериш ва уларни тушунтиришга сарфлайди:

электрон манзил ва бошқа алоқа воситаси орқали ходимлар томонидан коррупцияга қарши қабул қилинган нормалар ва талабларга риоя қилиниши муҳим эканлигига доир доимий хабарлар юбориш;

ходимларни коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишига доир режаларга мувофиқ коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича мунтазам ва тизимли равишда бир йилда камида бир марта ўқитилиши ҳамда тестдан ўтказилишини таъминлаш;

янги ходимларни ишга қабул қилаётганда ушбу Сиёсат ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашишга доир бошқа ички ҳужжатлари билан албатта таништирган ҳолда, улар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбурий курсларни ташкил этиш;

коррупция хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши ўқитишининг қўшимча дастурлар белгилайди ва ўтказилган ўқув курслари/тренингларга оид маълумотлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда Жамиятнинг Персонални бошқариш ва кадрларни тайёрлаш бошқармасида сақланади;

мавзуга доир аудио ва видеороликлар ҳамда Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш ва уларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича

амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хабардорлигини оширишга қаратилган бошқа ахборот материалларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши компаниялар ташкил қилиш;

мазкур Сиёсат қоидаларини қўллаш ёки коррупцияга қарши чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлиқ саволлар туғилганда, Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари томонидан ходимларга маслаҳатлар бериш;

тасдиқланган режа асосида Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари томонидан Жамият ва унинг тизим ташкилотларида коррупцияга қарши хулқ-атворни фаол тарзда тарғиб қилиш.

Ходимларнинг меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритиш, мазкур Сиёсат кучга кирган вақтдан бошлаб Жамият ва унинг тизим ташкилотининг янги ходимлари билан тузиладиган, шунингдек, шартларни қайта кўриб чиқиши доирасида ходимларнинг амалдаги меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритади.

Жамият ва унинг тизим ташкилотлари контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, ҳомийлари билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши шартларни киритади. Коррупцияга қарши шартлар мазкур Сиёсат кучга кирган вақтдан бошлаб, Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг янги контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, ҳомийлари билан тузиладиган шартномаларга киритилади. Коррупцияга қарши шартлар Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг барча шартномаларига киритилади (электрон дўкон, электрон аукцион орқали харид натижалари бўйича ва давлат табиий монополиялари (пошта, электр энергияси, газ таъминоти, сув таъминоти, ҳаво йўллари ва х.к.) билан тузиладиган шартномалар бундан мустасно). Коррупцияга қарши шартлар мазкур Сиёсат қабул қилинишидан олдин тузилган шартномаларга шартларни қайта кўриб чиқиши доирасида ёки ташаббусга кўра киритилади.

6-§ Мониторинг, назорат ва ҳисобдорлик

55. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари Жамият ва унинг тизим ташкилотларида амалга оширилаётган коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг доимий мониторинги, назорати ва уларнинг самарадорлиги, етарлилиги ва мутаносиблигини баҳоланишини амалга оширади. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра Жамият ва унинг тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш тизимини шакллантиришга доир тегишли чора-тадбирлар қабул қилинади.

56. Мониторинг ва назорат Жамиятда Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиётига ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

57. Коррупцияга қарши курашиш тизими мониторинги қўйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим:

Жамият ва унинг тизим ташкилотлари фаолияти функциялари ва ўзига хос жиҳатлари, унинг ташкилий-функционал тузилмаси ҳамда бошқа ташки ва ички омилларидаги ўзгаришларнинг Жамият ёки унинг тизим

ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш тизими ва уни тўғирлаш зарурати, жумладан унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлигини таъминлашга таъсири таҳлили;

Ўзбекистон Республикасининг фаолиятида қўлланиладиган коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва ҳокимият органлари тавсияларининг мониторинги;

халқаро ва хорижий ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимини яратиш ва қўллаб-кувватлаш масалаларига доир тавсиялари мониторинги;

оммавий ахборот воситаларининг Жамият ва/ёки унинг тизим ташкилотлари ходимлари коррупциявий ҳаракатларга жалб қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлари, шунингдек, Жамият ва унинг тизим ташкилотлари контрагентлари ёки ҳамкорлари тўғрисида худди шундай маълумотлар мавжудлиги юзасидан мониторинг;

самарасиз назоратлар ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни такомиллаштириш ҳамда коррупцияга қарши тизим ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида Жамиятнинг ички жараёнлари ва функцияларини мониторинг қилиш;

Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг коррупцияга қарши дастури ёки йўл харитаси бандлари бажарилишининг тўлиқлиги ва самарадорлигини мониторинг қилиш;

ходимлар томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши талаблар ва жорий этилган тартиб-таомилларга риоя қилинишини текшириш;

ходимларнинг коррупцияга қарши асосий тамойиллар ва талаблар тўғрисида хабардорлигини текшириш;

58. Жамият ва унинг тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлиги (коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд эмаслиги) коррупцияга қарши курашиш тизимини ички аудитини ўтказиш, жумладан Жамият ва унинг тизим ташкилотларида белгиланган талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилишини назорат қилиш орқали текширилади.

59. Коррупцияга қарши курашиш тизими мониторинг ва назорат қилиш тадбирлари якунлари ва натижалари коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларида акс эттирилади. Ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш тартиби Жамият ва унинг тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларини шакллантириш ва тақдим этиш бўйича ички идоравий ҳужжатда мустаҳкамлаб қўйилади.

7-§. Жавобгарлик

60. Мазкур Сиёsatга мос келиш ва Жамиятнинг коррупцияга қарши талаблари ва тартиб-таомилларига риоя қилиш ҳар бир ходимнинг ўз лавозим мажбуриятларини бажариш доирасидаги мажбурияти ҳисобланади. Ходимлар мазкур Сиёsat ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларида белгилаб қўйилган коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид талаблар ва тартиб-таомилларни бузганлиги учун шахсан жавобгар бўлади.

61. Коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) тамойилига амал қилган ҳолда барча ходимларга бевосита ёки билвосита, шахсан ёки воситачилар орқали ҳар қандай коррупциявий ҳаракатларда иштирок этиш қатъиян ман этилади, яъни:

ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш, шунингдек, хизмат мавқеи ва ваколатларини сустеъмол қилиш мақсадида ҳар қандай шахслардан ноқонуний фойда талаб қилиш, сўраб олиш ёки сўраш, олишга розилик бериш ёки олиш, шунингдек, ходим томонидан ўз лавозим мавқеидан Жамият ва/ёки унинг тизим ташкилотларининг қонуний манфаатларига зид равишда, жумладан ўзи ва учинчи шахслар учун ноқонуний фойда олиш мақсадида ноқонуний фойдаланиш;

давлатнинг мансабдор шахси ёки бошқа ҳар қандай шахсга унинг ҳаракатларига таъсир ўтказиш (ҳаракатсизлигини таъминлаш) ва/ёки шахс, жумладан Жамият ва/ёки унинг тизим ташкилот манфаатлари йўлида ноқонуний афзалликларни қўлга киритиш мақсадида лавозим мажбуриятларини ноқонуний тарзда бажаришга ундаш, ноқонуний фойда (пора, порахўрлик)ни таклиф қилиш, ваъда бериш, бунга ижозат бериш, тақдим этиш;

расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш, олиш ёки амалга ошириш;

порахўрлик ёки тижорий порага олишда воситачилик қилиш, жумладан пора олувчига ноқонунний фойдани топшириш ёки пора олувчи ёки берувчига улар ўртасида ноқонуний фойдани олиш ва бериш бўйича келишувга эришишда ёрдам бериш;

ходимларнинг коррупция белгилари мавжуд бўлган ёки уни содир этиш, жумладан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келишига хизмат қилувчи бошқа ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги.

62. Ходимлар ўз раҳбари ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларига уларни коррупциявий ҳаракатларини содир этишга ундаш мақсадида мурожаат қилган шахслар билан боғлиқ, шунингдек, уларга маълум бўлган бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид барча ҳолатлар тўғрисида хабар бериши лозим.

63. Коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) тамойилини ҳисобга олган ҳолда ходимлар томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилганлигига доир ҳар бир асосли гумон бўйича хизмат текширувларини ўтказиш бўйича регламент ва бошқа ички ҳужжатларда кўзда тутилган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ хизмат текшируви ўтказилади.

64. Мазкур Сиёsat, коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ва/ёки Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларни бузган ходимлар лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари доирасида ва уларда кўзда тутилган асослар бўйича жавобгарликка тортилади.

65. Коррупциявий ҳаракатлар аниқланган тақдирда Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари, уларни юзага келиш сабаблари ва имкониятларини таҳлил қиласи ва доимий равиша коррупцияга қарши қурашиб тизимини такомиллаштиради.

66. Ички текширувлар натижалари доимий равиша Жамият раҳбариятига ва Жамиятнинг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарларига тақдим этилади.

67. Жамият коррупциявий хуқуқбузарликларни аниқлаш ва тергов қилиш учун хуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қиласи.

6-боб. Коррупциявий ҳаракатларга доир хабарлар

68. Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимларининг ҳаракатлари қонунийлиги ёки этикага мослиги юзасидан шубҳа, коррупциявий ҳаракатлар ёки бошқа қоидабузарликлар билан боғлиқ тахминлар ёки содир этилганлигига оид асосли гумонлар юзага келган тақдирда улар ҳақида Жамиятнинг умумфойдаланувидаги алоқа каналлари орқали очик хабар берилиши мумкин.

69. Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида қоидабузарликка оид асосли ахборотни тақдим этган шахсга доир маълумотлар махфийлигини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

70. Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ўз ходимлари манфаатларини ҳимоя қиласи ва бошқа ходимларнинг шубҳали хулқ-атвори ёки мазкур Сиёсатнинг коррупцияга қарши қурашиб талаблари бузилган бўлиши мумкинлиги ҳақида вижданан хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимини тушириш, дискриминация, зулм ўтказиш, таъқиб қилиш сингари ўч олиш ҳаракатларига йўл қўйилмаслигини кафолатлайди.

71. Жамиятнинг алоқа каналлари орқали келиб тушган барча хабарлар Жамият масъул шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамиятдаги коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқишига оид ички ҳужжатлар ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида ва холисона кўриб чиқилади.

72. Ходимлар томонидан атайлаб ёлғон хабар юбориш мазкур Сиёсат талабларини бузиш ва этикага зид хулқ-атвор намунаси сифатида баҳоланади, бу ҳақида хабар берган шахс эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

7-боб. Қайта кўриб чиқиши ва ўзгаришлар киритиш тартиби

73. Мазкур Сиёсат қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва тўғирланиши мумкин:

мавжуд коррупцияга қарши сиёсалар ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиши заруратини юзага келтирувчи Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қонунчилиги ўзгарганда;

самарасиз коррупцияга қарши назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллари аникланганда, шунингдек, Жамият фаолиятида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурати юзага келганда;

Жамиятнинг ташкилий тузилмаси ва/ёки функцияларининг ўзига хос жиҳатлари ўзгарганда ва ҳ.к..

74. Мазкур Сиёсатга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш Жамият бошқаруви раиси қарори асосида амалга оширилади.

Ишлаб чиқдим:

Бошқаруви раиси в.б.

Х.Н. Хасилов